

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.05/2025.27.12.B.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АМИРОВ ОЙБЕК ОЛИМЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН КАВШ ҚАЙТАРУВЧИ ҲАЙВОНЛАРИНИНГ ҲАЗМ
ТИЗИМИ НЕМАТОДАЛАРИ**

03.00.06–Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Амиров Ойбек Олимжонович

Ўзбекистон қавш қайтарувчи ҳайвонларининг ҳазм тизими
нематодалари..... 3

...

Амиров Ойбек Олимжонович

Нематоды пищеварительной системы жвачных животных
Узбекистана..... 27

..

Amirov Oybek Olimjonovich

Nematodes of the digestive system of ruminants in
Uzbekistan..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.05/2025.27.12.B.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АМИРОВ ОЙБЕК ОЛИМЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН КАВШ ҚАЙТАРУВЧИ ҲАЙВОНЛАРИНИНГ ҲАЗМ
ТИЗИМИ НЕМАТОДАЛАРИ**

03.00.06–Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2026

Биология фаълари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.3.DSc/B134 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.izoology.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий консультант:

Кучбоев Абдурахим Эргашевич
биология фаълари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сапаров Қаландар Абдуллаевич
биология фаълари доктори, профессор

Сафаров Алишер Абдукаҳор ўғли
биология фаълари доктори, доцент

Хуррамов Алишер Шукурович
биология фаълари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.05/2025.27.12.B.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил “17” март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232 б -уй, Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, E-mail: zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№1736-AR- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232 б -уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2026 йил “2” март куни тарқатилди.

(2026 йил “2” мартдаги №2-рақамли реестр баённомаси).



Б.Р. Холматов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

Г.С. Мирзаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, б.ф.д., профессор

Ф.Д. Акрамова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси ўринбосари,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида аҳоли сонининг ортиб бориши инсонларнинг ҳайвонлардан олинадиган озиқ-овқат маҳсулотларига, жумладан гўшт, сут ва бошқа юқори сифатли озуқа маҳсулотларига бўлган талабнинг ортишига олиб келмоқда. Шу билан бирга, глобаллашув жараёнлари ва иқлим ўзгаришлари таъсири остида қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг, хусусан, уй қавш қайтарувчи ҳайвонларининг турли паразитар касалликлар билан зарарланиши кўлами ортиб бормоқда. Шунга кўра, қавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ҳазм тизими нематодалари биологияси, тур таркиби, тарқалиши ва молекуляр-генетик хусусиятларини аниқлаш, шунингдек, касалликни самарали даволаш ва олдини олиш чора тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда қавш қайтарувчи ҳайвонларни ҳазм тизимидаги нематодаларнинг турли ҳудуд ва минтақаларда тарқалиши ҳамда уларнинг ёшга боғлиқ ҳолда зарарлашини баҳолаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан нематодалар ДНКсининг тузилиши, нуклеотидлар кетма-кетлигидаги ўзгаришларга қараб, уларнинг дифференциация қилишда, филогенетик ва генетик ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, улардаги ўзгарувчанликни асослашга ҳамда нематодоз инвазиясига қарши кураш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда чорвачилик тармоқларини ривожлантириш, маҳсулдорликни ошириш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан ҳудудлар кесимида қавш қайтарувчи ҳайвонларининг ҳазм тизими нематодаларининг тур таркиби, биологияси, тарқалиши ва эпизоотологиясини аниқлаш борасида муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5696-сон Фармонида «...ветеринария соҳаси ва барча тармоқларини ривожлантириш, эпизоотик барқарорлик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда касалликка чидамли ҳайвон турларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш»¹ каби вазифалар бегилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон қавш қайтарувчи уй ва ёввойи ҳайвонларининг паразитологик ҳолатини аниқлаш, маҳсулдор ҳайвонлар ва одамларнинг паразитар касалликлар эпизоотологияси ва эпидемиологиясида тутган ўрнини баҳолаш, жуфт туёқли ҳайвонларда гельминтоз касалликларни аниқлаш ва олдини олишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги ПҚ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5696-сон фармони

5017-сон “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21-сон «ЎЗБЕКИСТОН - 2030» Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Уй ва ёввойи кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ҳазм тизими нематодаларининг биологияси, систематикаси, молекуляр-генетикаси ва эволюцияси бўйича йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Washington University School of Medicine, Saint Louis, MO (АҚШ), National Parasite Collection of the National Museum of Natural History (АҚШ), AgResearch Limited, Grasslands Research Centre (Янги Зеландия), University of Melbourne (Австралия), W. Stefański Institute of Parasitology, Polish Academy of Sciences (Польша), Institute of Parasitology, Biology Centre of the Academy of Sciences of the Czech Republic (Чехия), Heilongjiang Bayi Agricultural University (Хитой), Эволюция ва экология муаммолари институти (Россия), Зоология институти (Ўзбекистон) ва бошқа илмий муассасаларда олиб борилмоқда.

Уй ва ёввойи кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ҳазм тизими нематодалари бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий натижалар олинган: кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ҳазм тизими нематодалари эпизоотологияси ва уларга қарши кураш усуллари ишлаб чиқилган (Institut National de Recherche pour L’agriculture, Франция), ҳазм тизими нематодаларининг турли ҳудуд ва минтақаларда тарқалиши ҳамда морфологик, биологик ва экологик хусусиятлари аниқланган (Н.Э.Бауман номидаги Қозон давлат ветеринария медицинаси академияси), кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ҳазм тизими нематодаларининг филогенияси, эволюцияси ва таксономияси аниқланган (University of Nottingham, Буюк

² Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, www.dissercat.com, [researchget.com](http://www.researchget.com), <http://www.fundamental-research.ru>, www.webofscience.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Британия), уй ва ёввойи кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ҳазм тизими нематодаларини тезкор ташҳислаш усуллари ишлаб чиқилган (Mahidol University, Таиланд).

Дунёда уй ва ёввойи кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ҳазм тизими нематодаларининг фаунаси ва таксономияси бўйича қатор жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: иқтисодий аҳамиятга эга бўлган уй ва ёввойи кавш қайтарувчи ҳайвонларда учрайдиган нематодаларнинг замонавий таксономик тизимини шакллантириш, уларни молекуляр-генетик усуллар асосида аниқ тавсифлаш, филогенетик алоқаларини очиқ бериш, шунингдек, инвазион аҳамиятга эга бўлган турларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда кавш қайтарувчиларнинг ҳазм тизимидаги паразит нематодаларининг систематикаси бўйича ягона бир тўхтамга келинган фикрлар мавжуд эмас (Скрябин, Шульц, 1937а, 1937б, 1954; Becklund, Walker, 1967; Durette-Desset, 1971, 1981; Lichtenfels, Hoberg, 1993; Drozd, 1995; Daskalov, 1974; Suarez, Cabaret, 1992; Zarlenga 1998). К.И.Скрябин ва Р.С.Шульц 1937 йилда Trichostrongylidae Leiper, 1962 оиласи систематикасини қайтадан кўриб чиқиб, Trichostrongilinae оиласи таркибида Ostertaginae кенжа оиласи тузади ва унинг таркибида 8 та авлод киритилади: *Ostertagia*, *Camelostongylus*, *Hyostongylus*, *Obilescoides*, *Travassossius*, *Parostertagia*, *Pseudostertagia*, *Baylisiella*.

Бугунги кунга келиб, молекуляр-генетик муаммоларга бағишланган илмий ишларнинг қизиқарли эканлиги, қатор олимларнинг ДНКнинг тузилиши, яъни нуклеотидлар кетма-кетлигидаги ўзгаришларга қараб, организмларни, шу жумладан нематодаларнинг дифференциация қилишда, филогенетик ва генетик ўзаро боғлиқлигини ўрганмоқдалар (Stevenson et al., 1995; Chilton et al., 2001; Gasser, 1995; Jacquiet et al., 1995; Zarlenga et al., 2001; Hoberg et al., 2007, 2008, 2010; Semyenova et al., 2002; Kuznetsov et al., 2007; Kuchboev et al., 2020).

Кавш қайтарувчи ҳайвонларни ҳазм тизимидаги нематодаларнинг турли хил худуд ва минтақаларда тарқалиши ҳамда уларнинг ёшга боғлиқ ҳолда зарарлаши бўйича Скрябин, Шульц (1937), Шумакович и др (1974), Никитин (1978, 1984, 1986), Беденкова (1985), Дурдусов (1994, 1999) ва бошқа олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борган.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда ҳам остертагиин кенжа оиласи нематодаларининг тур таркиби, биологияси, тарқалиши ва эпизоотологиясига доир бир неча илмий маълумотлар мавжуд (Азимов, 1963; Иргашев, 1973; Орипов, 1983; Дадаев, 1997; Сапаров, 2007; Абраматов, 2012; Kuchboev et al., 2015, 2017; Азимов, Дадаев ва б., 2015; Дадаев ва б., 2022, 2023). Жумладан, Жанубий Ўзбекистонда тарқалган қўйларнинг гельминтофаунасини ўрганишда Д.А. Азимов (1963) ва қоракўл

кўйларининг гельминтларини ўрганишда И.Х. Иргашев (1973) ўзларининг катта ҳиссаларини кўшишган.

Бироқ, юқоридаги тадқиқотлар фаунистик ва эпизоотологик характерга эга бўлиб, улар кавш қайтарувчи ҳайвонлар ҳазм тизими нематодаларининг замонавий тур таркиби, морфологияси, биологияси ва таксономик тизими бўйича маълумотларни ўзида тўлиқ акс эттирмайди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон кавш қайтарувчи ҳайвонлари ҳазм тизими нематодаларининг фаунаси ва систематикасини аниқлаш, молекуляр-генетик жиҳатдан асослаш, филогениясини тузиш ҳамда уларга қарши курашиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Зоология институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-2017092035 “Кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг нематодалари ва инвазия диагностикаси ва профилактикасининг усулларини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа ҳамда “Жуфт туёқли ҳайвонлар ва уларнинг паразит нематодаларини молекуляр идентификацияси” (2020-2024 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон кавш қайтарувчи ҳайвонлари ҳазм тизими нематодаларининг таксономияси, филогенияси ва нематодоз инвазиясига қарши кураш чора-тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ҳазм тизими нематодаларининг тур таркибини аниқлаш, уларни систематик таҳлил қилиш;

илгари морфологик жиҳатдан кам ўрганилган ва молекуляр жиҳатдан ўрганилмаган кўп шакли нематода турларини рибосомал ДНК ITS соҳаси ва митохондриял ДНК COI генлари асосида молекуляр-генетик тавсифлаш;

Haemonchidae оиласига мансуб нематода турларининг қариндош формаларини молекуляр-генетик маълумотлар йиғиндиси ёрдамида филогенетик таҳлил этиш;

Ҳайвонларнинг паразит нематодалар билан зарарланишини хўжайин ёши, йил фасллари ва табиий иқлим минтақаларига боғлиқ равишда ўзгаришини аниқлаш;

Ҳайвонлар нематодозларининг эпизоотик жараёни мониторинги, тур ичида ва турлараро муносабатларини таҳлил қилиш;

Инвазия даражаси юқори бўлган нематода турларининг майда шохли ҳайвонлар қонидаги гематологик ўзгаришларга таъсирини аниқлаш;

Haemonchidae оиласига мансуб *Haemonchus contortus* ва *Marshallagia dentispicularis* нематодаларининг тўлиқ митохондриял ДНК геноми кетма-кетлигини таҳлил қилиш;

Кенг тарқалган нематода *Marshallagia marshalli* ва *Parabronema skrjabini* турлари учун турга хос бўлган ДНК маркёрлар яратиш;

Уй кавш қайтарувчи ҳайвонларининг ҳазм тизими нематодаларига қарши маҳаллий ўсимликлардан олинган экстрактлар ва кимёвий антигельминтик препаратларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш;

Ўзбекистон кавш қайтарувчи ҳайвонлар ҳазм тизими нематодаларининг маълумотлар базасини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кавш қайтарувчи ҳайвонлар ва уларнинг ҳазм тизимида паразитлик қилувчи нематодалар олинган.

Тадқиқотнинг предметини кавш қайтарувчи ҳайвонлар ҳазм тизими нематодаларининг турлар таркиби, биологияси, морфологияси, таксономияси ва филогенияси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гельминтология, морфология, морфометрия, молекуляр-генетика, биоинформатика ҳамда статистик ва қиёсий таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон кавш қайтарувчи ҳайвонлар ҳазм тизимида 2 та синф, 2 та туркум, 9 та оила, 16 та авлодга мансуб 43 тур нематодалар аниқланган;

Haemonchus, *Marshallagia*, *Orloffia*, *Ostertagia*, *Teledorsagia* авлодларининг морфологик кўрсаткичлари асосида, уларнинг рДНК ва мтДНК генлари молекуляр-генетик тавсифланган;

Haemonchidae оиласига мансуб нематода турлари филогенетик таҳлил қилиниб, уларнинг келиб чиқиши ва ўзаро эволюцион боғлиқлик муносабатлари очиб берилган;

кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг нематодоз билан зарарланиши ёш кўрсаткичларига ва фасллар мавсумига боғлиқ ҳолда ўзгариши исботланган;

ҳайвонлар нематодозларининг эпизоотик жараёни мониторинг қилиниб, касаллик кўзгатувчиларининг тур ва турлараро муносабатлари очиб берилган;

қўйларда *H. contortus* турига хос моноинвазия ҳолатида гемоглобин ва оксил миқдори камайиши аниқланиб, иммунитет тизими фаолияти сусайишига олиб келиши асосланган;

H. contortus ва *M. dentispicularis* турларининг мтДНКси тўлиқ геном тузилиш кетма-кетлиги таҳлил қилиниб, *H. contortus* турининг митохондриал геномида 35 та ва *M. dentispicularis* митохондриал геномида 58 та генетик соҳа аниқланган;

праймерлар дизайни асосида турга хос маркерлар яратилган ва ПЗР технологияси ёрдамида асосий нематодозларнинг ДНК-диагностика усули ишлаб чиқилган;

уй кавш қайтарувчи ҳайвонлар ҳазм тизими нематодаларига қарши антигельминтик таъсирга эга маҳаллий ўсимликлардан ажратиб олинган экстрактлар (*Ferula foetida*, *Acroptilan repens*, *Persica vulgaris*) 88,7–92,2 %

ва 2-пропидамизол 96 % ҳамда 2-ацетамизол 97 % кимёвий препаратларининг 86,9–87,3 % биологик самарадорлиги аниқланган;

Ўзбекистон кавш қайтарувчи ҳайвонлари ҳазм тизими нематодаларининг маълумотлар базаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ҳазм тизими нематодаларига қарши табиий ҳолда ўсадиган, халқ табобатида қўлланилган, антигельминтик хусусиятга эга бўлган 3 та тур (*Ferula foetida*, *Acroptilan repens*, *Persica vulgaris*) ўсимликларининг илдиз ва ер устки қисмларидан ажратилган экстрактлари синалган ва уларнинг биологик самарадорлиги аниқланган;

кавш қайтарувчилар ҳазм қилиш органларининг асосий нематодозлари, диагностикаси ва уларга қарши кураш чора-тадбирлари ҳамда ПЗР учун ҳайвонлар ошқозон ичак нематодалари тўқималаридан ДНК ажратиш усуллари ишлаб чиқилган;

нуклеотидлар кетма-кетлиги асосида, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг тириклик даврида *Marshallagia* авлоди ва *Parabronema skrjabini* нематодаларини аниқлаш имконини берадиган турга хос бўлган маркерлар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган гельминтология ва морфометрия усул ва ёндашувлар асосида олинган тажриба натижаларининг назарий маълумотларга мос келиши, морфометрик маълумотларни замонавий дастурлар асосида (Biostat, 2007; Microsoft Office Excel, 2016; Microsoft, USA, Origin Pro В 9.4, 2014) статистик таҳлил қилингани ҳамда молекуляр-генетик натижаларнинг асосида олинган маълумотларни биоинформатик дастурлар (BioEdit, Clustalx, Megaб, Genedoc, Paup4, Geneious) асосида бажарилганлиги ва диссертация амалий натижаларининг етакчи хорижий журналларда чоп этилганлиги ҳамда яратилган маълумотлар базаси билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда кавш қайтарувчи ҳайвонлар ҳазм тизими нематодаларининг таксономик ҳолати аниқланганлиги, полиморф турларни молекуляр дифференциацияси асосида турлар алоҳидалиги исботланганлиги, Haemonchidae оиласига мансуб *H. contortus* ва *M. dentispicularis* турларининг тўлиқ митохондриал ДНК геноми кетма-кетлигини тузилиш хусусиятлари аниқланганлиги ҳамда ушбу оила нематодалари ичидаги филогенетик алоқалари очиқ берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларни қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг нематодалар билан зарарланишини ташхисловчи тезкор ва замонавий усулларни такомиллаштирилганлиги, нематодаларнинг эпизоотик жараёни мониторинги юритилганлиги нематодоз инвазиясига қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий килиниши. Ўзбекистондаги

кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ҳазм қилиш тизими нематодалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

уй кавш қайтарувчи ҳайвонлар ҳазм тизимидаги асосий нематодозларга қарши курашда антигельминтик хусусиятга эга бўлган 3 та тур (*Ferula foetida*, *Acroptilan repens*, *Persica vulgaris*) ўсимликларнинг илдиз ва ер усти қисмларидан ажратилиб, ишлаб чиқилган воситага («Гельминтларга қарши таъсирга эга ўсимликлардан олинган восита») Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан ихтирога патенти олинган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 2022 йил 31 майдаги № IAP 06935 рақамли ихтиро патенти). Натижада, яратилган мазкур экстрактлар уй кавш қайтарувчилар нематодозларини 92,2 %, 89,3 % ва 88,7 % гача бартараф этиш ва уларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичини ошириш имконини берган;

кавш қайтарувчилар ҳазм тизими органларининг асосий нематодозларига қарши Альбендазол субстанцияси 98 %, Медамин субстанцияси 98 %, 2-ацетамизол субстанцияси 97 % бўлган 3 хил кимёвий антигельминтик препаратларни қўллаш юзасидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 23 декабрдаги 02/23-30-74-сон маълумотномаси). Натижада, антигельминтик препаратлар юқори биологик самара (86,9–87,3 %) бериши аниқланиб, ҳайвонларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичини ошириш имконини берган;

Naemonchidae оиласига мансуб нематода турларининг нуклеотидлар кетма-кетлиги бўйича олинган маълумотлар Биотехнологик ахборотлар миллий маркази (NCBI, <https://blast.ncbi.nlm.nih.gov/>) базасига жойлаштирилган. Натижалар асосида, *M. marshalli* – KX929996, *M. occidentalis* – KX929997, *T. circumcincta* – KX929991, *T. trifurcata* – KX929992, *T. davtiani* – KX929993, *Ostertagia ostertagi* – KX929994, *O. lyrata* – KX929995, *O. gruhneri* – MF351872, *H. placei* – KC503916, *H. contortus* – KC503915 турларининг идентификация рақамлари олинган ва улар халқаро миқёсда турларни аниқлаш ҳамда филогениясини ўрганиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та халқаро ва 19 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 54 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, жумладан, 15 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган. Интеллектуал мулк агентлигидан – 1 та

патент, 2 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги ва апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кавш қайтарувчи ҳайвонлар ҳазм тизими нематодаларининг ўрганилиш тарихи (адабиётлар шархи)”** деб номланган биринчи бобида, кавш қайтарувчи ҳайвонлар ҳазм тизими нематодаларининг фаунаси ва эпизоотологияси, ҳамда *Haemonchidae* оиласи турларининг морфологик ва таксономик тавсифи ҳамда ушбу оила вакиллари полиморф турларининг молекуляр-генетик тадқиқотлари бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларнинг маълумотлари баён этилган. Ўзбекистондаги кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ҳазм тизимида учрайдиган нематодалар фаунаси, экологияси, таксономияси, эпизоотологияси ва молекуляр-генетик хусусиятларини қамраб олган тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган. Мавжуд адабиётлардаги маълумотлар эса замонавий нематода систематикаси ва таксономияси талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Шунингдек, мазкур муаммоларни комплекс тарзда ўрганиш зарурлиги туғилади. Бу борада олиб бориладиган илмий изланишлар назарий ва амалий жиҳатдан асосланган хулосалар чиқаришга хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи – **“Кавш қайтарувчи ҳайвонлар гельминтларини ўрганиш услублари ва тадқиқот материали”** деб номланган бобда кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ошқозон-ичак тизимидан нематодаларни ажратиш олиш ва идентификация қилиш усуллари, ошқозон ичак тизимидан нематодаларни йиғиш, ўсимлик экстрактлари ва кимёвий дори препаратларини ҳайвонлар ошқозон-ичак нематодаларига қарши синаш, айрим нематодаларини молекуляр - генетика тавсифлаш ҳамда зарарланиш даражаси юқори бўлган нематодалар билан зарарланган майда шохли ҳайвонларнинг қонидаги гематологик ўзгаришларини аниқлаш мақсадида ҳайвонлардан қон олиш усуллари бўйича маълумотлар келтирилган.

Бобнинг **“Кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ошқозон ичак тизимидан нематодаларни йиғиш”** бўлимида, гельминтологик намуналар йиғилган

ҳудудлар бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, ушбу тадқиқот иши 2017-2025 йилларда республикамизнинг Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Наманган, Фарғона, Андижон вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасининг фермер ва шахсий хўжаликлари ҳамда шу ҳудудларда жойлашган кўриқхона ва қушхоналардан майда шохли ҳайвонлар (МШХ) ва йирик шохли ҳайвонларнинг (ЙШХ) ҳазм тизимидан йиғилган. Жумладан, уй қўйи (*Ovis aries*) дан 2185 бош, эчки (*Capra hircus*) лардан 1012 бош, қор мол (*Bos taurus*) лардан 614 бош, бухоро буғуси (*Cervus elaphus bactrianus*) дан 9 бош, 3 бош қизулқум архари (*Ovis ammon severtzovi*) дан ҳамда 22 бош туя (*Camelus dromedarius*) ларнинг ҳазм органлари (ширдон ва ингичка ичак) лари тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган гельминтологик ёриб кўрилган.

Тадқиқот ишлари давомида ёввойи жуфт туёқли ҳайвонлардан фекалий намуналари Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси “Нурота давлат кўриқхонаси”, Бухоро ихтисослаштирилган “Жайрон” питомниги, Қуйи Амударё давлат биосфера резервати, “Сайгачий” мажмуа (ландшафт) буюртмахонаси, Сурхон давлат кўриқхонаси ва Термиз ҳайвонот боғи, Чотқол биосфера кўриқхонаси ҳамда Тошкент вилояти Табиат боғлари ва овчилик хўжаликларидан йиғилган.


Йиғилган нематодалар 70% этанол эритмасида сақланиб, флаконларга жинслар бўйича (урғочи ва эркак) ажратилган ҳолда қайд этилган. Ширдон ва ингичка ичакда учрайдиган урғочи нематодалар морфологик жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлгани сабабли, тур даражасида аниқлаш фақат эркак нематодалар орқали амалга оширилган. Бунинг учун нематодалар 10–20% глицерин томчисига жойлаштирилиб, вақтинчалик препаратлар тайёрланган. Турларга аниқликлар киритишда К.И. Скрыбин (1981), В.М. Ивашкин (1989) ва Д.Н. Кузнецов (2006) каби манбалар асосида уларнинг жинсий тузилишга қараб идентификация қилинган.

Диссертациянинг “Антигельминтик хусусиятга эга ўсимлик экстрактлари ва кимёвий препаратларни ҳайвонлар ошқозон-ичак нематодаларига қарши синаш” бўлимида республикамизда кенг тарқалган, ёввойи ва маданийлаштирилган ҳолда ўсувчи *Ferula foetida*, *F. varia*, *Punica granatum*, *Acroptilan repens*, *Elaeagnus angustifolia*, *Prunus persica*, *Aptemisia leucoids*, *Tanacetum vulgare*, *Persica vulgaris* ва *Allium sativum* каби ўсимликлар экстрактларини ва кимёвий препаратлар 2-пропидамизол субстанцияси 96%, 2-ацетамизол препарати субстанцияси 97% антигельминтик дори препаратларини кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ҳазм тизими нематодаларига қарши биологик самарадорлигини аниқлаш усуллари бўйича маълумотлар келтирилган.

“Молекуляр - генетика услублари” бўлимида – кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ҳазм тизимидан аниқланган ва тур даражасида идентификация қилиш имкони бўлмаган нематода турларидан, геном ДНК сини ажратиш, полимераза занжир реакциясини ўтказиш, секвенерлаш ва биоинформатик дастурлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

“Кавш қайтарувчи ҳайвонлар ҳазм тизими нематодаларининг таксономияси, морфологияси ва тарқалиши” номли учинчи бобида уй ва ёввойи кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ҳазм тизимида 2 та синф, 2 та туркум, 9 та оила, 16 та авлодга мансуб 43 та нематода турлари паразитлик қилишлиги аниқланган.

Ўзбекистон кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ҳазм тизимида аниқланган - 43 та нематода тури, уй қўйида - 41 та, уй эчкисида - 32 та, қорамолларда - 24 та, туяларда - 16 та, бухоро буғусида - 5 та нематода турлари аниқланди. Ундан ташқари сибир тоғ эчкисида - 7 та, қизилқум архарида - 17 та, сайғоқда - 10 та, жайронда - 11 та, бухоро қўйида - 16 та, Устюрт қўйида - 22 та турга мансуб нематода тухумлари қайд қилинган (1- расм).



1- расм. Кавш қайтарувчилар ҳазм тизими нематодаларининг учраши, (%).

Қайд қилинган 43 та нематода турларидан *T. skrjabini* тури текширилган 13 та кавш қайтарувчи ҳайвонлардан 12 тасида, *M. marashalli* тури 11 та, *H. contortus* ва *M. dentispicularis* турлари 10 та, *T. probolurus*, *M. sogdiana*, *O. argunica* ва *S. dagestanica* турлари 1 та ҳайвонларнинг ҳазм тизимида кенг тарқалганлиги аниқланган.

“Кавш қайтарувчи ҳайвонлар ҳазм тизими нематодаларининг морфологияси ва тарқалиши” деб номланган бўлимида, кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ҳазм тизими нематодаларининг ҳўжайинларда тарқалиши, уларнинг локализацияси, топилган жойи ва зарарланиш кўрсаткичлари келтирилган. Қайд қилинган нематодалар, кавш қайтарувчилар ҳазм

тизимининг турли аъзоларида учрашлиги аниқланиб, қизилўнғач ва ошқозонда - 1 та тур, ширдонда - 29 та, ингичка ичакда - 23 та, йўғон ичакда - 4 та, кўр ичакда - 2 та тур нематодалар паразитлик қилишлиги аниқланган.

Аниқланган нематода турларининг аксарияти ҳазм тизимини икки ва ундан кўп аъзоларида паразитлик қилишлиги аниқланиб, жумладан, *Trichostrongylus axei*, *T. capricola*, *T. colubriformis*, *T. orientalis*, *T. probolurus*, *T. skrjabini*, *T. vitrinus*, *Haemonchus contortus*, *H. placei*, *Marshallagia marshalli*, *M. dentispicularis*, *M. schumakovitschi* *Ostertagia ostertagi*, *O. gruhneri*, *Teladorsagia circumcincta*, *Setaria labiato-papillosa* ва *Parabronema skrjabini* турлари кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ширдон ва ингичка ичагида, йўғон ичак ва кўричакда *Trichuris ovis*, *T. skrjabini* турлари, ингичка ичакда *Bunostomum trigonocephalum*, *B. phlebotomum*, *Skrjabinema ovis*, *Nematodirus filicollis*, *N. spathiger*, *N. abnormalis*, *N. helvetiamis*, *N. oiratianus* турлари аниқланган. *Chabertia ovina*, *Oesophagostomum columbianum*, *T. davtiani*, *O. argunica*, *O. aegagri*, *M. sogdiana*, *M. petrovi*, *M. trifida*, *M. uzbekistanica*, *M. mongolica* *Orloffia orloffii*, *O. dahurica* ва *Spiculopteragia dagestanica* нематода турлари эса фақат йўғон ичакда, *Gongylonema pulchrum* тури қизилўнғачда, *S. labiato-papillosa* тури эса қорин бўшлиғида паразитлик қилишлиги аниқланган.


Қайд қилинган, *G. pulchrum*, *S. labiato-papillosa* ва *P. skrjabini* турлари биогельминтлар бўлиб, уларнинг ривожланишида хашаротлар синфига мансуб кўнғизлар ва қон сўрувчи пашшалар иштирокида ўтиши қайт қилинган.

Бунда *B. phlebotomum* тури уй кавш қайтарувчи ҳайвонларида кам учраб (ИЭ) 0,5-1,5% ни ташкил этган бўлса, энг кўп учраган турлар *M. marshalli* (ИЭ) 17,3-56,1%, *P. skrjabini* (ИЭ) 12,4-55,7%, *T. circumcincta* (ИЭ) 24,8-52,9%, *O. ostertagi* (ИЭ) 12-53,2% ни ташкил этган.

Ушбу бўлимда аниқланган нематода турларининг морфологик ва морфометрик тадқиқот натижалари ва уларнинг асл расмлари келтирилган.

Кавш қайтарувчилар ҳазм тизимида кенг тарқалган ва кўп шаклли тур деб тахмин қилинаётган *Teladorsagia* авлодига мансуб *T. circumcincta* турининг дорсал қовурғаси бирмунча узун ва ингичка, рулеги узунлашган цилиндрсимон шаклда, асосий спидула ўсиши дистал қисми кесилганга ўхшаш бўлиб, тўмтоқ бўлиб қайрилганлиги аниқланган (2-расм).

Диссертациянинг кейинги бўлими “Ҳазм тизими нематодаларининг тур ичида ва турлараро муносабатлари” деб номланиб, етук нематодаларнинг ўзига хос морфологик тузилиши ва тарқалишини ҳисобга олган ҳолда, тур ичида ва турлараро муносабатларни ўрганишда *Marshallagia* (*M. marshalli*, *M. occidentalis*), *Ostertagia* (*O. ostertagi*, *O. lyrata*, *O. aegagri*) ва *Teladorsagia* (*T. circumcincta*, *T. trifurcata*, *T. davtiani*) турлари ўртасида тажрибалар олиб борилди.



2-расм. *Teladorsagia circumcincta* турининг морфотиплари
Изох: 1. *T. circumcincta*, 2. *T. trifurcata*, 3. *T. davtiani*
а- бурса, б-спикула, в-рулек.

Ушбу тажрибаларни ўтказиш учун, олдиндан гельминт тухуми ва личинкаларидан холи қилинган 8 бош қўзи ва 8 бош эчкилардан фойдаланиб, улар 4 гуруҳга ажратилди, ҳар бири гуруҳга 3 бошдан бўлинди (тажриба гуруҳлари), уларга қуйидаги схема бўйича остертагин авлодига мансуб инвазия ҳолатидаги нематода личинкалари берилган.

Ўтказилган тажриба натижаларига кўра, зарарланган ҳайвонлардаги нематодалар тухумларини чиқиши назоратдаги ҳайвонлар нисбатан фарқлар кузатилиб, *M. marshalli* – 1-6 кун, *M. occidentalis* – 1-5 кун. *M. marshalli* тури 63 нус., *M. occidentalis* 41 нусха. Иккинчи гуруҳда: *O. ostertagi* (51 нус.), *O. lyrata* (4 нус.) ва *O. aegagri* (13 нус.). Учинчи гуруҳда: *T. trifurcata* (26 нус.), *T. circumcincta* (47 нус.) ва *T. davtiani* (14 нус.) натижалар олинди. Тўртинчи гуруҳда: *M. marshalli* -58 экз., *O. ostertagi* -31 экз. ва *T. circumcincta* - 37 нусхани ташкил қилган бўлиб, ушбу тажриба *Marshallagia*, *Ostertagia* ва *Teladorsagia* авлодлари ўртасидаги турлараро биологик фаоллик ва рақобат муносабатларини очиб берган.

Ушбу тажриба *Marshallagia*, *Ostertagia* ва *Teladorsagia* авлодлари ўртасидаги турлараро биологик фаоллик ва рақобат муносабатларини очиб берган. *M. marshalli*, *O. ostertagi* ва *T. circumcincta* каби турлар эпизоотик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, уларга қарши самарали профилактика ва даволаш чоратадбирларини ишлаб чиқиш зарур. Турлар ўртасидаги мослашув ва репродуктив

фаоллик даражалари уларнинг келгуси тадқиқотларида биологик модел сифатида танланиш имкониятини яратган.

“Қўйларнинг ҳазм тизимидаги нематодаларнинг ассоциатив инвазияси” номли бўлимида, тадқиқотлар натижалари асосида қўйларнинг ҳазм тизимида аралаш инвазия билан зарарланиш даражаси юқори эканлигини аниқланиб, текширилган 1675 бош қўйларнинг овқат ҳазм тизимидаги нематодаларнинг *M. marshalli*, *O. ostertagi*, *T. circumcincta*, *H. contortus* ва *P. skrjabini* турлари ўртасида аралаш инвазия юқори эканлиги қайд этилди, яъни битта организмда 2-7 тур паразитлик қилишлиги аниқланиб, улар *Trichostrongylus*, *Haemonchus*, *Marshallagia*, *Ostertagia*, *Teladorsagia* ва *Parabronema* авлодларига мансуб турлар эканлиги қайд этилган (1-жадвал).

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида республика паст текисликларида боқилаётган қўйларнинг ҳазм тизимида аралаш инвазияда иштирок этаётган асосий нематода вакиллари *M. marshalli*, *O. ostertagi*, *T. circumcincta*, *H. contortus* ва *P. skrjabini* турлари эканлиги қайд этилган.

Диссертациянинг “*Marshallagia*, *Ostertagia* ва *Teladorsagia* авлодлари турларининг репродуктив муносабатлари” деб номланган бўлимида, “қайта зарарлаш” тажриба учун олинган 4 бош эчки ва 4 бош қўй (олдиндан гижжасизлантирилган ва инвазиядан ҳоли бўлган) инвазион ҳолатга келган *M. marshalli*, *O. ostertagi* ва *T. circumcincta* нематода личинкаларини (*per os*) усулида 4 бош эчки ва 2 бош қўй зарарлантирилиб, 35 кун вақт ўтиб, яъни маршаллагиялар вояга етгандан сўнг, ҳар бир тажриба гуруҳидаги биттадан ҳайвонлар ёриб кўрилди ва натижаларига кўра, *M. marshalli* ва *M. occidentalis*, *O. ostertagi* ва *O. lyrata* ҳамда *T. circumcincta*, *T. trifurcata*, *T. davtiani* турлари бирга учрашлигини инобатга олиб, бу турлар кўпшаклли турлар эканлигини қайд қилинган.

“Ҳайвонларнинг *Parabronema skrjabini* нематодаси билан зарарланишида хўжайиннинг ёши ва йил фаслларида боғлиқлиги” номли бўлимида, Габронематидлар, яъни парабронема турининг ривожланишида, оралик хўжайини қон сўрувчи пашшалар: *Haematobia* Lepeletier & Serville, 1828 авлодига мансуб кичик сигир жигалкаси (*Haematobia irritans*), жанубий сигир гўнг пашшаси (*Haematobia titillans*) ва кузги гўнг пашшаси (*Stomoxys calcitrans*) иштирокида ўтиши аниқланиб, табиий шароитда, парабронема личинкасининг инвазион босқичга ўтиши 28-32 кун давом этишлиги аниқланиб, кавш қайтарувчиларнинг парабронема билан зарарланишини юқори нуқтаси май, сентябрь ва октябрь ойлари ҳисобланади, чунки, бу вақтда гўнг пашшаларнинг имаголик шакли табиатда кўп сонда бўлишлиги қайд этилган.

Парабронема тури билан юқори даражада Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида боқилаётган майда шохли ҳайвонлар 59,1 ва 47,2%, йирик шохли ҳайвонларнинг зарарланиши эса 39,7 ва 42,4% ни ташкил этган. Энг юқори зарарланиш майда шохли ҳайвонларда аниқланган бўлиб, қишда 59,1%, куз ва баҳорда – 36,9 ва 26,2%, ёзда эса 6,6% ни ташкил этади. Йирик шохли ҳайвонларда эса энг юқори кўрсаткич кузда – 39,7, қишда 27,1, баҳорда – 17,9 ва ёзда – 3,1% ни ташкил этган.

1-жадвал

**Қўйларнинг овқат ҳазм тизимидаги нематодалар популяцияларининг
аралаш инвазияси**

Нематода турлари	Зарарланган хайвонлар (ИЭ, %)	ИЗ (нус.)
Бир ёшгача бўлган қўзилар (n = 512)		
<i>M. marshalli</i> + <i>M. schumakovitschi</i>	11 (2,14)	1-78+ 1-33
<i>O. ostertagi</i> + <i>O. lyrata</i>	4 (0,78)	1-28+1-11
1-2 ёшли қўйлар (n = 526)		
<i>Tr. axei</i> + <i>M. marshalli</i>	3 (0,57)	1-14+1-9
<i>H. contortus</i> + <i>M. marshalli</i>	11 (1,52)	3-44+1-17
<i>M. marshalli</i> + <i>M. schumakovitschi</i> + <i>P. skrjabini</i>	11 (1,71)	4-121+1-28+1-43
<i>M. occidentalis</i> + <i>M. marshalli</i>	16 (3,04)	2-55+1-19
<i>M. dentispicularis</i> + <i>M. marshalli</i>	5 (0,95)	2-34+1-15
<i>M. schumakovitschi</i> + <i>P. skrjabini</i>	3 (0,57)	3-21+2-13
<i>M. trifida</i> + <i>M. marshalli</i>	4 (0,76)	1-11+1-8
<i>Or. orloffi</i> + <i>Or. kazakhstanica</i>	2 (0,38)	1-15+1-8
<i>O. ostertagi</i> + <i>O. lyrata</i> + <i>M. marshalli</i>	7 (1,33)	3-41+1-17+1-10
<i>T. circumcincta</i> + <i>M. petrovi</i> + <i>M. marshalli</i>	5 (0,95)	3-37+2-27+1-12
<i>P. skrjabini</i> + <i>M. marshalli</i>	10 (1,52)	14-69+2-26
2 ёшдан юқори бўлган қўйлар (n = 637)		
<i>Tr. axei</i> + <i>M. marshalli</i> + <i>O. ostertagi</i> + <i>T. circumcincta</i> + <i>P. skrjabini</i>	7 (1,0)	2-18+4-139+2-21+1-11+3-127
<i>H. contortus</i> + <i>M. marshalli</i> + <i>O. ostertagi</i>	11 (1,72)	5-107+2-27+1-13
<i>M. marshalli</i> + <i>M. occidentalis</i> + <i>P. skrjabini</i> + <i>O. ostertagi</i> + <i>Or. orloffi</i> + <i>B. trigonocephalum</i> + <i>Tr. axei</i>	8 (1,25)	4-147+1-9+1-45+1-8+1-7+1-5+1-3
<i>M. schumakovitschi</i> + <i>M. marshalli</i>	18 (2,82)	1-45+1-15
<i>M. dentispicularis</i> + <i>M. marshalli</i>	6 (0,94)	2-11+1-9
<i>M. schumakovitschi</i> + <i>P. skrjabini</i>	3 (0,47)	1-13+1-8
<i>M. trifida</i> + <i>M. marshalli</i>	12 (1,88)	1-10+1-7
<i>M. sogdiana</i> + <i>M. marshalli</i>	6 (0,94)	1-16+1-14
<i>M. trifida</i> + <i>M. schumakovitschi</i>	7 (1,09)	1-18+1+11
<i>Or. orloffi</i> + <i>O. kazakhstanica</i> + <i>M. marshalli</i>	3 (0,47)	1-6+1-4+1-3
<i>O. ostertagi</i> + <i>M. marshalli</i> + <i>O. lyrata</i> + <i>P. skrjabini</i> + <i>Tr. axei</i> + <i>T. colubriformis</i>	5 (0,78)	1-29+1-18+1-13+1-11+1-8+1-3
<i>O. lyrata</i> + <i>O. ostertagi</i>	17 (2,66)	3-51+1-37
<i>T. circumcincta</i> + <i>M. marshalli</i> + <i>O. ostertagi</i> + <i>M. petrovi</i> + <i>Tr. axei</i> + <i>T. colubriformis</i>	6 (0,94)	2-67+1-42+1-32+1-25+1-16+1-5
<i>T. trifurcata</i> + <i>T. circumcincta</i> + <i>M. marshalli</i>	9 (1,41)	1-18+1-9+1-5
<i>M. marshalli</i> + <i>T. circumcincta</i>	9 (1,41)	1-9+1-5
<i>P. skrjabini</i> + <i>M. marshalli</i> + <i>M. schumakovitschi</i> + <i>M. petrovi</i> + <i>T. circumcincta</i> + <i>O. ostertagi</i>	4 (0,62)	3-103+3-46+1-21+1-17+1-13+1-9

“Ҳазм тизими нематода турларининг молекуляр-генетик тавсифи ва уларнинг филогенетик таҳлили” деб номланган тўртинчи бобда *Haemonchus contortus* ва *H. placei*, *Marshallagia marshalli* ва *M. occidentalis*, *Orloffia orloffii*, *O. dahurica*, *O. kazakhstanica* ва *O. buriatica*, *Ostertagia ostertagi*, *O. lyrata* ва *O.*

gruhneri, *Teladorsagia circumcincta*, *T. davtiani* ва *T. trifurcata* ва *Parabronema skrjabini* турларининг ядро (рибосомал) ДНК сининг ITS ва митохондриал ДНК сининг COI соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги асосида солиштирилган ва тавсифланган.

Натижада *H. contortus* ва *H. placei* турларининг нуклеотидлари ўртасида аниқ таксономик чегара мавжудлигини инобатга олиб, бу турлар мустақил турлар эканлиги аниқланган. Бу маълумот биздан олдинги тадқиқотчиларни ишларини тасдиқлайди. *M. marshalli* ва *M. occidentalis* турларининг рДНК ва мтДНК сини COI соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги таҳлил қилиниб, ушбу турлар ўртасида яқин филогенетик муносабат мавжудлиги ва *M. occidentalis* тури *M. marshalli* турининг морфаси эканлиги аниқланган. *O. orloffi*, *O. dahurica*, *O. buriatica* ва *O. kazakhstanica* турларини рДНК сини ITS1-1+5.8S+ITS-2 соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги таҳлил қилиниб, *O. dahurica*, *O. buriatica* ва *O. kazakhstanica* турлари *O. orloffi* турининг минор шакллари эканлиги қайд қилинган. *Ostertagi* авлодига мансуб турларнинг турларининг рДНК ITS соҳаси ва мтДНК COI соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги таҳлил қилиниб, *O. ostertagi*, *O. lyrata* ва *O. gruhneri* турлар алоҳида ва мустақил турлар эканлиги аниқланган. *T. circumcincta*, *T. trifurcata* ва *T. davtiani* турларининг рДНК ITS2 ва мтДНК сини COI соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги таҳлил қилиниб, *T. trifurcata* ва *T. davtiani* турлари *T. circumcincta* турининг минор шакли эканлиги аниқланган.

Ушбу бобнинг “*Haemonchus contortus* ва *Marshallagia dentispicularis* турининг митохондриал геноми ва тузилиш хусусиятлари” деб номланган кичик бўлимида, *Haemonchus* авлодига мансуб, *H. contortus* нематода турининг митогеном кетма-кетлиги олиниб, умумий узунлиги 14401 жуфт нуклеотидни ташкил қилиб, турнинг митогеноми мтДНК сини таркибида, 13 та протеин кодловчи, 20 та tRNA ва 2 та rRNA генидан иборат эканлиги аниқланган.

Marshallagia авлодига мансуб *M. dentispicularis* турини митогеном кетма-кетлиги олиниб, умумий узунлиги 13893 жуфт нуклеотидни ташкил қилиб, *M. dentispicularis* митохондриал геномида жами 58 та генетик соҳа аниқланиб, уларнинг таркибига 13 та оксил кодловчи, 22 та транспорт РНК (тРНК), 2 та рибосомал РНК (рРНК), 23 та но-кодловчи РНК (ncRNA) элементлари ҳамда 1 та умумий минтақа мавжудлиги қайд этилган.

“*Marshallagia* авлодига мансуб *Marshallagia marshalli* нематодасини ПЗР усулида идентификация қилиш” номли бўлимида, гельминтологик тадқиқотлар натижасида зарарланиш даражаси юқори бўлган, *Marshallagia* авлодига мансуб, *M. marshalli* турини ривожланишини турли босқичларида тур даражасида идентификация қилиш имконини берувчи маркёрлар яратилган бўлиб, ушбу маркёр рибосомал ДНК сини ITS2 соҳаси нуклеотидларини ўқишлиги аниқланган. ПЗР олинган натижаларга кўра, *Marshallagia* авлоди учун яратилган Mar_3f ва Mar_3r праймери фақат шу авлод вакили *M. marshalli* тури учун хослиги аниқланди ҳамда олинган ПЗР маҳсулотларини секвенс қилиниб, яратилган праймерни жойлаштирилди (3-расм).

	10	20	30	40	50	60	70
<i>M_marshalli</i>
	AATGAAACTA	CTACAGTGTG	GCTAACACAT	AACACTGTTT	GTCGAATGGT	ATTTATCACT	TCATTGTGAT
<i>M_occidentalis</i>
<i>T_circumcincta</i>	.TGA-.....T.CG.
<i>T_davtiani</i>	.TGA-.....T.CG.
<i>T_trifurcata</i>	.TGA-.....T.CG.
<i>O_ostertagi</i>	.TGA-.....GTT.T.T.
<i>O_lyrata</i>	.TGA-.....GTT.T.T.
<i>H_contortus</i>	.CCA-TA..A...TTT-CT.....A....CG.-T.T.----.C
<i>H_placei</i>	.CCA-TA..A...GTTT-CT.....A....CG.-T.T.----.C
	80	90	100	110	120	130	140

<i>M_marshalli</i>	AACTCCCATT	TCAGTTCATG	AATGACACAT	GCAACATGAC	GTTAACGATG	TTAACGTTCC	TGAATGATAT
<i>M_occidentalis</i>
<i>T_circumcincta</i>	..T.....A.A..T.G..TAC..
<i>T_davtiani</i>	..T.....A.A..T.G..TAC..
<i>T_trifurcata</i>	..T.....A.A..T.G..TAC..
<i>O_ostertagi</i>	..T.....	C.....A.ATG.A.AT..A.
<i>O_lyrata</i>	..T.....	C.....A.ATG.A.AT..A.
<i>H_contortus</i>	..T.....A.CATATAC.G..T-T..AAA.
<i>H_placei</i>	..TT.....A.CATATAC.G..T-T..AAA.C.
	150	160	170	180	190	200	210

<i>M_marshalli</i>	GAAATGTAATA	CCACTATTTG	AATGTACTCA	ATGAATATGA	GATTGATTTG	AATAGAGACA	TGTATGGTAC
<i>M_occidentalis</i>
<i>T_circumcincta</i>	..C....G	.T.....CAA
<i>T_davtiani</i>	..C....G	.T.....CA	G.....A
<i>T_trifurcata</i>	..C....G	.T.....CAA
<i>O_ostertagi</i>A.....CAG.....T
<i>O_lyrata</i>A.....CAG.....T
<i>H_contortus</i>	..CA.G..GG.....GCC..A	G...T..TCGA
<i>H_placei</i>	..CA.G..GG.....GCC..A	G...T..TC.A
	220	230	240	250	260	270	280


<i>M_marshalli</i>	TGTATGTTCATG	ATGTATCAAT	TGTATTGCAA	CCTGAGCTCA	GGCGTGATTA	CCCCCTGAAC	TTAAGCATAT
<i>M_occidentalis</i>A.....
<i>T_circumcincta</i>	..A.....
<i>T_davtiani</i>	..A.....
<i>T_trifurcata</i>	..A.....
<i>O_ostertagi</i>A.....A.....A.....
<i>O_lyrata</i>A.....A.....A.....
<i>H_contortus</i>	C.-.....T	-.T.....
<i>H_placei</i>	C.-.....T	-.T.G.....

3-расм. Секвенс материаллари асосида *Marshallagia* авлоди учун рДНК ITS2 соҳаси асосида яратилган Mar_f3 ва Mar_r3 праймерларини жойланиши.

Marshallagia авлодига мансуб *M. marshalli* тури учун яратилган праймер рДНК сени ITS2 соҳаси нуклеотидларини 107 та нуклеотидлари ўқишлиги ва келгусида ушбу праймердан фойдаланиб, турларни тухуми ва вояга етмаган личинкаларини ҳайвонларни тириклик вақтида аниқ диагностика қилиш имконини берган.

Диссертациянинг “Наемонхиде оиласига мансуб нематодаларнинг рибосомал ДНК нинг ITS соҳаси ва митохондриял ДНК нинг COI соҳаси асосида филогенетик алоқалари” номли бўлимида, олинган молекуляр-генетик

тадқиқотлар натижалари рДНК ITS соҳасига мансуб нуклеотидлар кетма-кетликлари ва ГенБанк базасидан олинган нуклеотидлар кетма-кетликларининг таҳлиliga кўра уй кавш қайтарувчи ҳайвонларининг ҳазм тизимидаги нематодалар 5 та клада (гурух) ларга бирлашганлиги аниқланган (4-расм).



4-расм. Максимал ҳақиқатга (правдоподобия) ўхшашлик алгоритми асосида қурилган *Naemochidae* оиласи нематода турларининг рДНК ITS соҳаси кетма-кетликлари асосидаги филогенетик дарахти: (1000 боотстрап-такрорлаш). Боотстрап юкланиш қийматлари тегишли тугунларда (узел) кўрсатилган.

Уй кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг *Naemochidae* оиласи нематода турларини рДНК сини ITS соҳаси нуклеотидлари асосида қилинган филогенетик шажара дарахтида 5 та монофилетик гурух ҳосил қилиб, улар 85-100% ли

бутистрап юкланиш қийматини эгаллиги аниқланди. 5-нчи монофилетик гуруҳда *Marshallagia* Orloff, 1933 авлодига мансуб турлар 96% ли бутистрап юкланиш қийматини ҳосил қилиб, *M. dentispicularis* ва *M. mongolica* турлари 99% ли, *M. marshalli*, *M. occidentalis*, *M. uzbekistanica*, *M. schumakovitchi*, *M. trifida* ва *M. sogdiana* турлари 100% ли бутистрап юкланиш қийматини ҳосил қилиб бирлаштирди. Баъзи монофилетик гуруҳларда кузатилган бутистрап юкланиш қиймати пастлиги ушбу монофилетик гуруҳдаги турларни эволюция жиҳатидан ажралиш даври яқинлигини ифодаланган.

